

# ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ИЛ ЧИҚИШИ  
№ 111 (1373)  
7  
ИЮНЬ  
ЯКШАНБА  
1959 ЙИЛ  
БАҲОСИ  
20 ТИНИН

## Маҳаллий Советларнинг доимий комиссиялари

Партиянинг шонли XXI съезди мамлакатимизда паролқ истиқбол — коммунизм ҳурлишини авж олдиришнинг удуввор программасини ленинча доимий билан чиқиб берди. Жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга бўлган бу программа билан қуролланган ижодкор халқимиз коммунистик меҳнат соҳасида юксак оғиллик, уюшқонлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатмоқда.

Коммунистик партия бошчилик қилаётган жамиятимиз коммунизм йўлидан муваффақият билан олға томон бормоқда. Жамиятимиз коммунизм йўлидан олға томон борган сари меҳнаткашлар депутатлари Советларнинг ҳўжалик ва маданий қурилиш раҳбарлик қилиш соҳасидаги фаолияти яна ҳам ошадди.

Маҳаллий Советлар омма билан алоҳида тиним мустаҳкамлаб бораётганлиги, сансалорлик ва бюрократизм элементларига бутунлай чек қўйилганлиги, давлат ва ҳўжалик аппаратини арзонлаштириш ва тақомиллаштириш бортирларидagina КПСС XXI съезди томонидан ўз олдларига қўйилган муҳим вазифаларни муваффақиятли амалга ошира оладилар.

Ҳокимиятнинг маҳаллий органлари олдига турган ҳўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги хилма-хил вазифаларни ҳал этишда, халқ оmmasининг Советлар билан алоқасини мустаҳкамлаш ва меҳнаткашларга маданий-маиший хизматини яхшилашда маҳаллий Советлар доимий комиссияларининг роли бениҳоя каттадир.

Маҳаллий Советларга бўлиб ўтган сайловлардан кейин областимизда мингдан ортиқ доимий комиссия тузилди, улар составида бир неча минг депутат ишламоқда. Кўпгина доимий комиссиялар план асосида иш олиб бормоқдалар, маҳаллий Советларга ақиндан ёрдам бермоқдалар. Бунга мисол қилиб Ленин район Советининг маҳаллий ва кооператив саноат доимий комиссияси фаолиятини кўрсатиши мумкин. Меҳнаткашлар депутатлари район Советининг 13 депутатидан ташкил топган бу доимий комиссия кенг активлар билан биргалликда ишлаб чиқариш процессларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш соҳасида саноат корхоналарига катта ташкилий ишлар олиб бораётди. Доимий комиссия аъзоларидан Орфиқонов, Бергников ўртоқлар яқинда I-сон заводда бўлиб, нон сибатсиз ёпилаётганининг сабабларини ва завод ишидаги бошқа камчиликларни очиб кўздан кўчди. Заводда ишлаб чиқариш маданиятини кўтариш юзасидан яхши маслаҳатлар бердилар. Доимий комиссиянинг тавсиясига биноан печлар қайта қурилади, хамир бўлгичлар ўрнатилди, ушан тўхтовсиз хамир ясаб берадиган I-автомат линия ишга туширилди. Оҳангарон, Чирчиқ, Олмалик шаҳар Советларининг кўпгина доимий комиссиялари ҳам ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар, меҳнаткашларнинг арива ва шикоятларининг ўз вақтида ҳал этилишига ёрдам бераётди, сайловчилардан олинган нақзаларнинг баҳарийлигини уюв курашмоқдалар.

Бирқ маҳаллий Советлар доимий комиссияларининг ҳаммаси ҳам яхши ишлаётди, деб бўлмайдик. Шундай доимий комиссиялар ҳам борки, улар ўзларига юклаган катта вазифаларни вазифага бепарволик билан қарамоқдалар. Верхне-волинск, Пискент ва Калинин район Советларининг қишлоқ ҳўжалик доимий комиссиялари айниқса сўст ишламоқдалар. Верхне-волинск район Советининг қишлоқ ҳўжалик доимий комиссияси тузилганига анча вақт бўлганига қарамай, ханузгача бирон-бир ишга ўтмаган эмас, колхозларда қишлоқ ҳўжалик ишлари қай даражада бораётгани билан қизиқиб ҳам кўрмаган.

Доимий комиссияларнинг бу ҳилда сўст ишлаётганликларига уларнинг ўзларидан кўри маҳаллий Советлар ижроия комитетлари кўпроқ айбондилар. Чунки ижроия комитетлар ўз фаолиятларида доимий комиссияларга таянган ҳолда иш юргизмайдилар, уларни совет ишларига жалб этмайдилар. Бундай камчиликларга дарҳол барҳам бериш, доимий комиссияларнинг ишини тубдан яхшилаш, ташкилотчилик ролини ошириш маҳаллий Советларнинг эътибор марказида бўлиши.

Кейинги вақтларда партия ва ҳўкуматини аҳолига маданий-маиший хизматини яхшилаш, мактабгача бўлган болалар муассасаларини кенгайтириш ва уларнинг ишини янада яхшилаш, шунингдек бошқа муҳим масалалар юзасидан қарорлар чиқаришлар. Доимий комиссияларнинг биринчи даражали вазифаси партия ва ҳўкумат томонидан белгиланган тадбирлар корхона, муассаса, колхоз еки сўвҳода қай тариқда амалга оширилаётгани билан қизиқиб, вақти-вақти билан текширишлар ўтказиб туриш, меҳнаткашларнинг ҳаётий эҳтиёжлари тўғрисида ҳаммуҳим қилиш — мактаб, касалхона, ҳаммом, водопровод, умумий оғзақданлиш корхоналари, савдо ташкилотлари, коммунал ҳўжалик муассасалари фаолиятини мунтазам равишда текшириб туриш йўли билан уларнинг ишини тубдан яхшилашга эришишда, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ижрокот йиғилишига, сессия муҳокамасига мунтазам қўлиб боришдан иборат.

Сайловчиларнинг нақзаларини амалга оширишда, совет идораларидек сансалорлик ва бюрократизм элементларига қарши курашда, Советларнинг халқ оmmasи билан алоқасини мустаҳкамлашда доимий комиссиялар катта роль ўйнашлари керак. Ижроия комитет бўлиmlарига баҳарий учун топширилган нақзалар қай тариқда амалга оширилаётганини кузатиб бориш, меҳнаткашлардан олинган арива ва шикоятларнинг тақдирини билан қизиқиб, совет кишиларининг ҳақли талаб ва эҳтиёжларига тўраларча муносабатда бўлаётган ҳодимлар, ташкилотларни ижроия комитет муҳокамасига қўйиб ҳар бир доимий комиссиянинг муқаддас бурчидир.

Доимий комиссия омма билан Советлар алоқасини мустаҳкамлашнинг муҳим воситаларидан бири. Шунга эришиш керакки, доимий комиссия составидан ҳар бир депутат унинг ишида фаол иштирок этсин, ҳар бир комиссия ишчан, ташаббускор, кенг активга эга бўлсин. Шундангина доимий комиссия ўз олдига қўйилган муҳим вазифани шараф билан бажара олади.

Маҳаллий Советлар доимий комиссиялари ишини шу куннинг юксак талаблари даражасига кўтарайлик!

## Н. С. Хрущев ва Р. Я. Малиновский Москвага қайтиб келдилар

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущев ва СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи маршали Р. Я. Малиновский Албанияга ва Венгрияга қилган сафарларидан 6 июнда Москвага қайтиб келдилар.

Внуково аэродромда Совет ҳўкуматининг бошчилигини А. Б. Аристов, Н. Г. Игнатов, А. И. Кириченко, Ф. Р. Козлов, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. А. Мухомедов, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, Д. С. Полянский ўртоқлар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари В. И. Козлов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари А. Ф. Засядько ва Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва Марказий Комитет аъзолигига кандидатлар, СССР министрлари, Совет Иттифоқи маршаллари, Москва шаҳар ва Москва область партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, КПСС Марказий Комитетининг, СССР Министрлар Советининг масъул ҳодимлари, пойтахт меҳнаткашларининг жуда кўп вакиллари бор эди.

Аэродромда Албания Халқ Республикасининг СССР даги элчиси Нести Насе, дипломатик корпус аъзолари, Москвадаги олий ўқув юрталарида ўқийётган албаниялик студентлар бор эди.

Ўртоқ Н. С. Хрущев самолётдан чиқди. Гулдурос қарсақлар бошланади ва самийий, дўстона табриқлар, «Ура!» садолари эшитилади. Болалар Совет ҳўкуматининг бошчилигига ва Маршал Р. Я. Малиновскийга гулдасталар тақдим этидилар.

Н. С. Хрущев ва Р. Я. Малиновский кутиб олувчилар билан қўл қисиб кўришдилар. Кутиб олувчилар орасида Албания Халқ Республикаси бориб келган Совет Иттифоқи партия-ҳўкумат делегациясининг аъзолари бор эди. Делегациянинг Албанияда бўлиши икки мамлакат халқлари ўртасидаги қардошларча бузимас дўстлигининг, бутун социалистик лагер янгилиги ва бирлигининг намойишига айланади. Н. С. Хрущев ва Р. Я. Малиновский Батанга қайтиб келатганда гапир расмий визит билан Венгрия Халқ Республикасида бўйдилар. Улар Венгрияда ҳам самийий, дўстона кутиб олиндилар.

Совет раҳбарлари аэродромдан Лузниккага томон йўл олдилар. (ТАСС).

## Қудратли социалистик лагернинг кучи мустаҳкамдир

МОСКВАДА СПОРТ САРОИДА МИТИНГ

Совет партия-ҳўкумат делегациясининг Албания Халқ Республикасига қилган сафаридан ўз Ватанига қайтиб келганлигига бағишланган тантанали учрашуvida москваликлардан минглаб кишилар қатнашди. Бу учрашуvi 6 июнда Лузникдаги Спорт сароидида бўлиди.

А. Б. Аристов, П. Г. Игнатов, А. И. Кириченко, Ф. Р. Козлов, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. А. Мухомедов, Н. С. Хрущев, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, Д. С. Полянский ўртоқлар, партия-ҳўкумат делегациясининг аъзолари президиумга чиққанларидея йиғилиш қатнашчилари уларни қизгин қарсақлар билан кутиб олдилар.

Митингги КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. И. Устинов оқди.

Митингда Москва ишчилари номидан «Динамо» заводининг тоқари С. Е. Лукакин, Москва область қишлоқ ҳўжалик ҳодимлари номидан Ногинск районидея Сталин номли колхозининг бригадир К. П. Седова, пойтахтдаги олимлар ва барча аёллар номидан Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг профессори В. Т. Макаров, комсомоллар ва ёшлар номидан Станок институтининг студенти Светлана Гурова сўзга чиқдилар.

Делегация бошлиғи, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущев митингга катта нутқ сўзладди.

Меҳнаткашлар вакиллари ҳамда ўртоқ Н. С. Хрущевнинг нутқлари зўр эътибор билан тингилгани ва кўп марта гулдурос қарсақлар билан бўлини турди.

Митингги бузимас Совет-Албан дўстлигининг ёркин намойишига айланади. Бу митинг совет кишиларининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг Марказий Комитети теварагига жингелашганлигини яна бир марта кўрсатди. (ТАСС).

## СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. ХРУЩЕВНИНГ Финляндияга бориши доир

Финляндия ҳўкумати СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрущев бу тақлифини мамнуний билан қабул қилганлигини ва август ойида Норвегияга қилган сафаридан кейин Финляндияга бориб бир неча кун туришини билдирди.



Давлат пилла таёрлаш планини муаддатидан илгари бажарганлиги учун область Хўррақ ташаббусига сизилдилар:

Урта Чирчиқ районидея Киров номили совхоз (директори Пак Сан Ер, партия ташкилотининг секретари Федим Ўртоқлар), бу совхоз пилла топшириш планини 109,8 процент бажарди. Қўшимча равишда бир тонна пилла топшириш мажбуриятини оқди.

Шу райондаги Куйбишев номили колхоз (раиси Йўлдошева, партия ташкилотининг секретари Оқбердиев Ўртоқлар), бу колхоз пилла топшириш планини 102,3 процент бажарди. Қўшимча равишда 900 килограмм пилла топшириш мажбуриятини оқди.

Бўка районидея Тимирязев номили колхоз (раиси Курбанов, партия ташкилотининг секретари Усмонов Ўртоқлар), бу колхоз пилла топшириш планини 100,4 процент бажарди. Қўшимча равишда 200 килограмм пилла топшириш мажбуриятини оқди.

Оржоникидея районидея «Ленинград» колхоз (раиси Тошқороев, партия ташкилотининг секретари Ҳошимов Ўртоқлар), бу колхоз пилла топшириш планини 102,4 процент бажарди. Қўшимча равишда 300 килограмм пилла топшириш мажбуриятини оқди.

Шу райондаги «Сталинград» колхоз (раиси Маңсудов, партия ташкилотининг секретари Аҳмедов Ўртоқлар), бу колхоз пилла топшириш планини 102,1 процент бажарди. Қўшимча равишда 500 килограмм пилла топшириш мажбуриятини оқди.

Пискент районидея Жданов номили колхоз (раиси Дўбенов, партия ташкилотининг секретари Рамазов Ўртоқлар), бу колхоз пилла топшириш планини 100 процент бажарди. Қўшимча равишда 100 килограмм пилла топшириш мажбуриятини оқди.

## Ўғзаларни бир текис ривожлантириб, уни ёппасига шоналатиб олайлик!



Янгийул районидея Ленин номили колхозда ўғзани маҳаллий ва минерал ўғитлар аралашмаси билан озондантиришга катта аҳамият берилляпти. Ҳурида: 21-бригада аълоси ўртоқ Х. Тожибоев ўғит тайёрляпти.

### СУВЧИ

Бригадир далага етиб келганда ҳали тонг еришмаган эди. У катта-катта тепаликка жойлашган дала шийронидан туриб, гарчи ҳеч нарсга кўринмасам ҳам атрофга узоқ нигоҳ ташлади. Шу пайт нариги картада милт-милт этган ёрув кўриди. Бу ёрув бир жойда турмай, гоҳ уёқда, гоҳ буёқда аста-секин бориб келарди.

— Зап сувчимиз бор-да! — дилдан ўтказди Сафар ака қувониб. — Бундай кишилар билан ишлаш ҳўзур.

Сафар ака кечгагина культивациядан чиқарилган бир бўлак ерини айланаб ўтиб, боя чироқ кўринган жойга етиб келди. Эркабой ака сув таралган ағатларни кўздан кечириётган экан, шунинг учун у бригадирнинг ақин келиб қолганини ҳам, уни тўчитиб юбормай, деб секин йўталиб қўйганини ҳам сезмади.

— Ҳорманг, Эркабой ака! — деди ниҳоят Сафар ака ўзининг шу ердалигини билдириб.

— Э, э! Саломат бўлинг! Нима қилиб юрибсиз тўрғай қудирамасдан? — сўради Эркабой ака қувониб.

— Ердам бергани келаямми. Сув чарчатиб қўйилмади! — сўради бригадир сувини меҳрибонлик билан.

— Йўқ. Анави пасқамақроқ жой кўглаб кетмасин, деб ишга киришиб кетибман. Чарчаганимни ҳам, тонг отай деб қолганини ҳам сезмай қолдима.

— Ундай бўлса чарчамапиз, — кулиб деди бригадир.

Шундан кейин бригадир билан миришкор сувчи ўртасида шу куннинг вазифалари ҳақида қизгин суҳбат бошланди. Улар иккинчи суви 2 — 3 кун ичида тамомлаш, келгуси сув вақтида ўқариқларнинг ўрнини ўзгартириш ҳақида маслаҳатлашдилар.

— Шийонинг қаршисидея иккала картамиз ҳам анча текис. Ўқариқларнинг ўрнини ўзгартирсак ҳам бўлаверарди, — суҳбатни якунлади Эркабой ака.

Оқдўрган районидея Тельман номили колхозининг сувчиси Эркабой ака Мадаминов шу кунларда ўғзаларни тунда қондириб сугорини ишга катта аҳамият берилляпти. У сугорини ишда тажриба ортирган. Бу тажрибалардан бири ҳар йили ўғзага сув тараладиган ўқариқларнинг бир ердан олинабермаслиғидир. Чунки, бир йили сув юрган ўқариқ ўрни сувида кўп бўлган чириндиларнинг қўчилиши натижасида жула кучаяди. Агар ўқариқлар ўрни йили сайин ўзгартириб борилаверса, карталарининг серунумлиги ҳам оширилади.

Бу йил Эркабой ака сувчилик қилмаётган бригада аъзолари элвипцентнерчилар ҳаракатига қўшилди. Улар ҳар гектар ердан 35 центнерлар пилла ҳўсални етиштириш ниятида қўлни-қўлга беришиб, меҳнат қилишляпти. Эркабой ака ана шу курашнинг олдинги сафида бормоқда.

Н. МАДАМИНОВ.

### СУВЧИ ЙИГИТ

Тонгдан бўса олган ўғзалар Нур кийиниб товлан эди. Саррин елдан ишга пахтазор Денгиз наби чайлар эди. Сувчи йигит нелмоқда шовиб, Елмасида ялтирар нетмон. Кийиқ билан бойланган боши, Мишти гава, худди пахтазор. Хар туп ўза тебраниб елда, Ишлар эди сувчига таъзим. Шағирд наби нувогар ўғза, «Келди, — дея, — менинг устозим».

### ДАЛАЛАРДАН ДАРАҚЛАР

Чиноз. Сталин номили. «Қилиб Октябрь» колхозларида ўза парварини қизгин бормоқда. Сталин номили колхоз пахтакорлари ўза зараркунадаларига қарши актив курашляптилар. Бу ишда механизатор М. Раҳмонов ва И. Имомалиев ўртоқлар кўпчиликке ўрناق бўлишляпти.

Урта Чирчиқ. Куйбишев номили колхоз аъзолари ўза парварини намунали ўтказишляпти. Улар ҳозиргача ўғзага 2 марта комплекс ишлов беришди, янгалашини тамомлашди. Пахтадан мўл ҳўсил етиштириш учун бошланган социалистик муносабатда ўртоқ Парда Раҳмонов бошлик бригада аъзолари олдинда бораляптилар.

Н. Тожибов, Б. Ҳакимов.

Верхне-волинск. Кейинги икки йил ичида «Килиб Октябрь» колхоз аъзолари 250 гектар янги ер очиб, пахта майдонларини кенгайтирдилар. Бу ерларга Х. Шералев, В. Б. Мақдамбоев ўртоқлар бошлик бригада аъзолари чигит эккан эдилар. Ҳозир бу бригадаларнинг ўғзалар текис шонага кирди.

Т. Солиев.

## Янги ўзлаштирилган ерда

Бўка районидея «XX партсъезд» колхозининг коммунизм ва комсомол ёшларини 25 киши колхоз правлясини ва партия ташкилотига мувожаат қилиб, колхозининг «Қорақўдақ» участкасида фойдаланилмаётган кўри ерларни ўзлаштириб, экинзорларга айлантириш ва бог-роғлар барпо қилиш истагини билдирдилар. Уларнинг талаби қондирилди ва бу ерларда 2 та бригада ташкил этилди.

Коммунизм Тўлаган Усупов бошлик 1- бригадада 100 гектар, КПСС аълоси, колхоз комсомол комитетининг секретари Эркил Душабоев бошлик 2- бригадада 80 гектар ер ажратиб берилди. Ҳар иккала бригада аъзолари ҳам шу йил илк баҳорда янги ерларни ўзлаштиришга астойдил бел боғлаб киришдилар. Улар учун барча зарур шароит яратиб берилди. Бу ерда кўчма электростанция қурилди, телевизор ўрнатилди. Бригадалар от-улов, автомашина ва тракторлар билан етарли таъминландилар.

Утган ўқув йилида 10- синфини тамомлаб чиққан ёшлардан ака-ука Рисбой ва Абдунаби Абдураимов, Жаббор Қўлбоев, Мўмин Ортиқбоев, Наорулла Мадиев, Мамат Баратовлар, 6 ойлик тракторчилар курсини битириб келган колхозчи йигитлардан Майдонов, Р. Маматқаримов, С. Мамадалиев, С. Яҳёев ўртоқлар ўза хоҳишлари билан янги ерда жунайдилар. Меҳнатсевар бу йилгилар қисқа вақт ичида 200 гектар бўз ерин очиб, ишга солдилар. Апрель ойининг дастлабки 6 кунидея сифатли ҳайдалган 180 гектар ерда чигит ақилди, 20 гектар ерда ток қаламчлари, турли мевали дарахтлар ва тоғ, терак ўтказилди.

Мана энди кеча яқиндагина бўм-бўш ётган сойда ҳаёт қайнамоқда. Бригада аъзолари бутун майдонда чигитини бир текис ундириб олдилар ва гектарларнинг тўла бўлишини таъминладилар. Ҳозир ўза ҳўсалини машинада теринга мослаштириб сифатли парварини қилишмоқда. Универсалчилардан Ж. Майдонов, Р. Маматқаримов ва С. Яҳёев ўртоқлар шу кунларда ҳар кунини 10—12 гектар ердаги ўғзани культивация қилмоқдалар.

— Биз бу йил, — дейди уни-версалчи Сайдулла Яҳёев, — ўза парварини билан боғлиқ бўлган бутун ишларнинг 85 — 90 процентини кетмон ишлатмасдан механизация ёрдамида амалга оширишга аҳд қилдик. Мақсадимиз ҳар гектар ерда 25 центнердан ҳўсил етиштиришдир.

Сўзи билан иши бир ватанпарвар ёшлар шу кеча-кундузда мўл ҳўсил етиштириш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Я. ИСМАТОВ.

## Область районларида пилла тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1959 йил 6 июнгача бўлган МАЪЛУМОТ (Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Ҳаммаси бўлиб	Бир кунлик ўсим	Районлар	Ҳаммаси бўлиб	Бир кунлик ўсим
Мирзачўл	148,9	0,1	Оқдўрган	94,6	0,5
Верхне-волинск	148,4	0,9	Пискент	87,1	1,5
Куйи Чирчиқ	145,0	—	Бекобод	85,1	0,3
Урта Чирчиқ	139,3	0,5	Бўстонлиқ	82,0	12,1
Бобўв	134,9	—	Бўка	80,6	1,5
Гулистон	131,4	—	Юкори Чирчиқ	78,6	3,4
Наличин	128,3	—	Оҳангарон шаҳри	76,8	2,6
Норасув	128,3	—	Олмалик шаҳри	68,0	7,9
Чиноз	124,6	0,3	Парнент	41,7	9,2
Янгийул	122,0	0,6	Янгийер шаҳри	14,3	—
Оржоникидея	121,2	0,8			
Сирдарё	118,7	—	Область бўйича	104,1	1,7



# Редакцияга келган хатлардан



**Чирчиқ шаҳридаги 2-урта мактаб ўқувчилари «Ўзбекистон» заводига тез-тез бориб, практик машғулотларни ўтказиб турадилар. 8-синф ўқувчиси Раёна Ражабова кимёга лаборатория бўлини оради қилади. Шунинг учун ҳам у кўп вақтини завод лабораториясида ўтказди. Суратда: Раёна Ражабова корхона лабораториясида практик машғулот олиб бормоқда.**  
О. Левак фотоси.

## ҲАҚЛИ ТАЛАБЛАР

**КОЛХОЗИМИЗГА ҚАЧОН ЭЛЕКТР НЕЛАДИ**

Фарҳод ГЭСдан Бўка районида электр сими тортиб келтиришда «Октябрь» 40 йиллиги колхозининг аъзолари ҳам гайрат билан меҳнат қилишди. Районимизнинг Илчиқ чиркоғлари билан чароғон бўғаллиги бизни беиҳсо қувонтиради. Лекин электр сими бизнинг колхоз ақнидаги РТСга тортиб келтирилди, кейин «сим йўқ» деган баҳона билан тўхтади қўйилди. РТС билан колхоз орасидаги масофа ҳаммаси бўлиб ярим километр келмапти. Ҳозирги бугун районга 500 метр сим топилмасми? Бизнингча сим ҳам, симёғор ҳам топилмади. Район раҳбарлари меҳнатқашларнинг ариза ва шикоятларига эътибор берсалар бизда ҳам нарсга топилмади.

**Т. ШОҚОСИМОВ,**  
«Октябрь» 40 йиллиги колхозининг аъзоси.

**УЧАСТКА ТАКСИМОТИ**  
**ПАЙСАЛГА СОЛИМОНДА**

Завод қасаба сўз кўмитети раҳбарларининг «Ишчиларга участка олиб беришимиз» деб ҳаммаёқда доғуқ солганларига роса уч йил бўлди. Уш маҳалда участка талаб қилиб, ариза берганларнинг рўйхати ҳам тузилган эди. Бу масала устидан беш-олти кун шов-шув кўрилди-ю, шу билан «етинчи» кетди.

Бу давр ичиде қўшнимиз — 160-қуришни трести ишчилари ери олиб, маздан ортиқ уй-жой қуриладу. Бизда эса маслаҳат, мажлис, қорғобозликдан нарига ўтилмапти.

Шу йилнинг бошларида шаҳар ижроия комитети Троицк посёлкаси атрофида 10 гектар ер ажратиб, завод ихтиёрига бериш ҳақида қарор қилди. Бироқ бу қарор ҳам ҳақиқатча амалга оширилгани йўқ.

Қўлдан бери гап-сўз бўлиб келатган «сувчак» масаласи қачон ҳал бўлади? Бу саволга Чирчиқ қаттиқ қоршмалар заводи ва шаҳар ижроия комитетининг раҳбарларидан жавоб кутамиз.

**А. БЕБЕРОВ, М. САНТОВ,**  
**Б. МАРТНОВ, Т. УРУНОВ,**  
завод ишчилари.

**ИШЧИЛАРГА МАДАНИЙ-МАИШИЙ ХИЗМАТ ЯХШИЛАНСИН**

Тошкентдаги 3-мелъ фабрикасида кўпгина ишчилар, инженер-техник ходимлар вэ хизматчилар ишлайди. Лекин фабрика раҳбар-

лари (директори ўртоқ Ваенштейн) меҳнатқашларга маданий-маиший хизматни яхшилашга мутлақо эътибор бермаётдилар.

Энг муҳими фабрикада на бунфет, на ошхона бор. Бундан фойдаланган Суннат ошпаз «хонаки» ошқат тайёрлаб, хўрандаларни чўмчида қўймоқда. Бу «хонаки» ошпаз санитарияга хилоф равишда иш тутапти. Ошқатда на мазза бор, на матра, баҳоси қиммат, яна қошиқ-тўвоқ ўз ёнингдадан. Ошқатларни шу ашпаз. Албатта «хонаки» ошпазими, хўрандаларга маданий хизмат қилинган кўра ўз чўнатиғи қашпайтиришни кўпроқ қўзлайди.

Фабрикада меҳнатқаш бўлмаганича яраша, набағчи врач ҳам йўқ. Беморлар биринчи медицина ёрдами олиш учун фабрикадан анча узоқдаги 4-поликленикага борадилар.

Оммавий-сўбсий ишлар, маданий ҳам олий тўғрисида гап оғмасай ҳам бўлади. Фабрикадан лоқақал қундалик газетани топши ҳам ахири маҳол. Деярли газетга ҳам байрам муносабати билан чиқарилади.

Бу ҳақда фабрика партия ва қасаба сўз ташкилотлари қандай фикрда эканлар? Бизни шу қизиқтирди.

**И. ФАЙЗИЕВ,**  
фабрика ишчиси.

**БЕКАТЛАРГА СНАМЕЙНА ҚУЙИЛСА БУЛМАЙДИМИ?**

Шаҳримизда йўловчилар учун транспортнинг кўпайтирилганлигини, трамвай, троллейбус ва автобусларнинг кетма-кет келиб туришини шахарликлар ҳам, меҳмонлар ҳам ихтигор билан тилга олади. Дарҳақиқат, кейинги йилларда Тошкент шаҳрида транспорт қатновни анча яхшилади.

Лекин йўловчилар баъзан ўзлари керакли трамвай, троллейбус, автобусни кўриб, муҳалладан ортиқроқ туриб қоладилар. Бу эса хуусан кесаларга, болали хотинларга анча малол келади. Шундай пайтларда транспорт бекатларида ўтириш жой топилмай қолади. Яъни, ҳақиқатча йўловчилардан кўпроқ шикоят эшитилади.

Шундай экан, бекатларга транспорт тўхтайдиган жойларга шийпаонар қуришиб, скамейчалар қўйилса бўлмасмикан?

Трамвай-троллейбус ва автобус трестларининг раҳбарлари шу ҳақда бир ўйлаб кўрсалар фойдалан ҳоли бўлмас.

**М. НИЕЗОВ,**  
Тошкент техника билим юртининг студенти.

## Янги ўқув цехи

Тошкентдаги 5-техника билим юртининг студентлари учун янги механизациялаштирилган тикув цехи ташкил қилинди. Бу тадбир ўқувчиларнинг пухта билим олишларига ёрдам бермоқда. Илгари ўқувчи шо-

гирлар тикув машинаси билан бир ойда 25 кийим тиктаётган бўлсалар, ҳозир агрегатда кўп ўқувчи ўртача 50 тадан кийим тикмоқда. Янги агрегатда иш икки сменада олиб борилади.

**Н. МУНИМОВ.**

## «ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Сиз бунга нима дейсиз?“

Газетамизнинг шу йил 13 май сониде юқоридаги сарлавҳа билан танқидий материал босилди, унда Тошкент трамвай-троллейбус трести 2-депосининг цех бошлиғи Хомид Абдуллаевнинг гайри қонуний ишлари фож қилинган эди.

Дело партия ташкилотининг секретари Абдусаломов ва «Таштрам» қасаба саволлари комитетининг раиси Марнов ўртоқларнинг редакцияга маълум қилишича, материалда келтирилган фактлар тоқширишда тўла тасдиқланган. Тоқшириш натижалари завод комитетининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинган.

Мажлисда Х. Абдуллаевнинг ишчилар билан нўпол муомалалар бўлиши, уларни ҳарорат қилиши, ҳатто мушт кўтариши, меҳнат қонуналарини нўпол равишда бузиши, давлат мулғига хиёнат қилиши тўғрисидаги фактлар 2-депо директори Исмоилов, бош инженер Занатимов ҳамда қасаба сўз цех комитетининг собир раиси Хўжаев ўртоқларга маълум бўлгани ҳолда улар ҳеч қандай чора кўрмагани, аслисича Абдуллаевнинг жиноий ишларини беркинб келганлари очиб ташланган.

Мажлисининг талабига мувофиқ Х. Абдуллаев вазирилган бўшатишган. Қасаба сўз цех комитетининг собир раиси ўртоқ Хўжаевга жамоатчилик вилғороти эълон қилинган.

2-парии директори Исмоилов ва бош инженер Занатимов ўртоқларга партиявий ва маъмурий йўл билан чора қўрилган.

Надрлар танлаш, ҳамда сийиб-тарбиявий ишларни яхшилаш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланган.

## „Сирдарё савдо ташкилотларида хотиржамлик“

Шу сарлавҳа билан газетамизнинг 18 апрель сониде босилган танқидий мақолага Сирдарё район малтубот кўмитети сўзи правленисининг раиси ўртоқ Алхўжаев йўқидеги жавоби берди:

«Мақолада келтирилган фактлар теширишда тўлиқ тасдиқланган. Тоқшириш натижалари райпартбюро сўз правлениси мажлисида муҳокама қилиниб, совет савдоси қондалрий бўшатишга йўл қўйган шахслар жавобгарлики тортилади. Сельполарнинг расилари савдо қондаларининг бузилшига қарши кураш олиб бориш учун шахсан жавобгар эканликлари ҳақида огоҳлантирилди».

«Савдо қачон қонамиз?» Янгиўш шаҳри меҳнатқашларидан келган бир хатда шаҳарнинг Файзобод, Улуғбон кўчалари ва ишчилар шаҳарчасида водопровод йўқлигиндан шикоят қилинган эди. Шаҳар ижроия комитетининг раиси Б. Эшонхўжаевнинг редакцияга хабар қилишича, хат ижромом мажлисида кўрилиб, шаҳарнинг юқорида айтилган кўчаларига водопровод линияси ўтказиш шу йилнинг курилиш планига киритилган ва кўриш ишларини бошлаб юбориш учинчи нарталга белгиланган.

## ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛАРИНИНГ ЖЕНЕВА КЕНГАШИДА

ЖЕНЕВА, 5 июнь. (ТАСС махсус мухбири). Бугун К. Гертер расиларга набўрдаги мажлис бўлди. Кенгашининг бугунги расий мажлисида қадар тўрт министр бир неча марта гайри расий узрашилди. Матбуотнинг ёшинга қараганда, бу учрашулар вақтида асосан Берлин масаласи ҳақида гап-лашилган. Бу масалада совет тақлифлари равшан ва конкрет тақлифларди.

СССР ҳукумати асосан ГАРБИЙ Берлиндаги окуляция режимининг бўлиб, тунги давлалар ўртасидеги муносабатларни аҳадрлаб турган, тинчлик иш учун хавф-хатар турғидидаги окуляция режимининг сақланиб туришига эҳтиёқ қолмаганига кўп вақт бўлди.

Гертер мажлисида биринчи бўлиб сўзга чиқиб, АҚШ иници факрича, Берлин проблемаси Германия қайта бирлаштирилмасдан олдин ҳал қилиниши мумкин эмас, деб тўппа-тўғри айтди. К. Гертер, ГАРБИЙ Берлиндаги окуляция режимини тутатиш проблемасиде, дарҳол ҳал қилиниши талаб қилиб турган бундай кескин проблема устида бамаслаҳат бир қарорга келиш йўлини топишда қатнашини истамаётганлигини шу қадар ошқора айтиш билан қилди, бундай позицияни қандай қилиб бўлса ҳам оқлашга уриниб кўрди.

К. Гертердан сўнг сўзга чиққан С. Ллойд Женевга кенгаши иницибий натижа бериши, деб умид билдириди. Бироқ у, К. Гертернинг айтган гапларига қўшилиб, ваҳоланки Гертер айтган гаплар ўзара мабула бўлади дегини бимига келиш йўлида қилинган ҳаракатларга асло конструктив ҳисса бўлиб қўйишга олмайд.

Кейин СССР делегациясининг бошлиғи А. А. Громико сўз олди.

ГАРБ давлаларининг «комплекс план» деб аталган планига кўзда тутилганидек, кейин яна тақдорланган тақлифга, яъни «ГАРБИЙ ва ШАРҚИЙ Берлинни бирлаштириш планига» бўлган ўзининг муносабатини СССР делегациясини ўзгартирмасини, деб С. Ллойдин берган саволга жавобан А. А. Громико бундай деди: Ллойд жаовоблари ба масалани меннинг олдида қанчалик жиддий қилиб қўйганлигини мен ҳақиқатан тушуномай қолдим. Сизлар, наҳотки, биз окуляция режимини ШАРҚИЙ Берлинга ҳам жорий қилиш масаласини қўйишимизни истагани?»

Модомки, биз позицияларини бир-биримизга яқинлаштиришимиз ва ба масалада бир фикрга келиш йўлини топишим истар эканмиз, у ҳолда бизнинг кенгашиимизни баъзи масалаларда ҳатто орқага қайтаришга йўл қўймайлик.

Ширвардида А. А. Громико бундай

деди: Гарчи Берлин масаласида бевосита гап-лашуни бўлмасам ҳам, лекин ГАРБ давлаларининг позицияси тўғрисида СССР делегациясининг тўлиқроқ тасаввур ҳосил қилиниши имкон берадиган икки масалани АҚШ ва Англия вакиллари олдида қўймоқчиман. Мен бу гапларни, деди СССР делегациясининг бошлиғи, биринчидан, сизларнинг тақлифинида, куч қўлланмаслик тўғрисида, бамаслаҳат бир фикрга келиш тўғрисида ва давлалар ўртасидеги ҳамма иволани масалаларини тинч йўл билан, тегишли музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этиш тўғрисида қандайдир декларация, қандайдир баёнот, хуллас қандайдир ҳужжат эълон қилинса бўлур, эди деб айтилган сўзларини назарда тутиб гапирайтирман. Бу масалада бирор илоҳ бормасми.

Менинг иккинчи масалам, деб давом қилди А. А. Громико, — эондаги, Европадаги қандайдир зонага тааллуқли масалалар. Бу кенгаши қатнашчилари турли муносабатлар билан зона идеясини тилга олдиладу, лекин бу идея ҳеч қачон ривожлантйрилмади ва аниқлаб берилмади. Биз бундай савол бермоқчи эдик: Уч давлат ташқи ишлар министрлари бу хууседа ўзарининг конкретроқ мулоҳазаларини айтаиб беролмасмикинлар ва, албатта, бундай қилишга тайёр бўлсалар, шу мулоҳазаларни шу мажлисининг ўзиде айтаиб беролмасмикинлар. Агар башарти бирор савабга кўра, бунин ҳозир айтиш ўғайсиз бўлса, у ҳолда биз бу мулоҳазаларни ўзларига маълум бўлган бошқа ҳар қандай вақтда эшитишга тайёримиз.

А. А. Громикодан кейин сўзга чиққан Германия Демократик Республикаси ташқи ишлар министри Л. Болц ўқтириб айтдики, Германия Демократик Республикаси делегацияси ҳаммаи бўлганидек, бу сафар ҳам, ГАРБИЙ Берлинни демилитаризация қилинган шаҳарга айлантйрган ҳолда Германия билан сулҳ шартномаси тузиш ҳал қилиш мумкин бўлган проблемалар ва бу проблема устида келиш зарур, деган ўз фикридан қайтмайд.

Бу проблемаларнинг ҳаммаси ҳар қанча мураккаб проблемалар бўлса ҳам, лекин у, яхши ният бўлган тақдирда ва жиддий муҳокама қилиниши илтириш бўлган тақдирда бу проблемаларини ҳал қилиш мумкин.

В. Гресе қиоқа луқма ташлаб, Германия Федератив Республикаси билан Германия Демократик Республикаси ўртасида музокарадан олиб бериш тўғрисидаги тақлифни яна бир марта рад қилганидан кейин мажлис ёпилади.

Министрлар ондиги мажлис қайси кунни бўлиши тўғрисида кейин гап-лашамиз, деб қарор қилдилар.

## Халқаро Меҳнат ташкилоти бosh конференциясининг 43-сессияси

ЖЕНЕВА, 5 июнь. (ТАСС). Бугун Халқаро меҳнат ташкилоти бosh конференциясининг қатнашчилари Халқаро меҳнат бюроси бosh директори Д. Морсинг халқаро иқтисодий ва социал проблемаларига бағишланган докладини муҳокама қилишга киришди.

Мажлисининг бошланғичида сўзга чиққан Совет ҳукуматининг вакили И. В. Горюшкин СССР Министрлар

Советининг Раиси Н. С. Хрушчевининг Халқаро меҳнат ташкилоти бosh конференцияси 43-сессиясининг раисини ва бosh директори номига юборган табригини эълон қилди.

Мақтуб сессия қатнашчиларининг қарсақлари билан кутиб олди.

43-сессиянинг раиси Э. Драйер юборган мақтуби учун И. С. Хрушчевга ташақкур билдиришни И. В. Горюшкиндан илтимос қилди.

## СОВЕТ ЖУРНАЛИСТЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ПОЛЬШАДА БУЛИШИ

ВАРШАВА, 5 июнь. (ТАСС). Советинформбюро бошлиғи А. П. Поринаев бошчилигида совет журналистлари делегацияси Польша журналистлари союзи бosh правленисининг тақлифига ётиган, Польшада қарий икки ҳафтадан бери меҳмон бўлиб турибди.

Совет журналистлари Варшава, Краковда, Катувияда, Вроцлавда, Познанда бўлдилар, бир қанча маданий-оқартув муассасаларини бориб кўрдилар.

Совет журналистлари Польша пойтахтида Польша Бирлашган ишчи партиясини Марказий Комитетининг марказий органи «Трибуна элуд» газетаси редакция коллегиясининг аъзолари билан, ишчи агентлигининг коллективи билан мамаладатини саҳнат қилиб юрган вақтда веводликлар матбуоти ва ушриётларининг ходимлари билан учрашдилар. Дустона ва самимий вазиетда ўтган бу учрашуларда совет журналистлари Польшада бўлган вақтларида олган таасуротларини гапириб бердилар.

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси Министрлар Совети ҳузуридаги планлаштириш комиссиясининг раиси С. Ендриховский делегацияни қабул қилиб, совет матбуоти ходимларига социалистик Польшани янда ривожлантиришнинг иқтисодий программаси ҳақида, халқ ҳўжалди қурилиши вазиёларининг Польша индустриясининг турли тармоқларида ва қишлоқда амалга оширилаётганлиги тўғрисида, Польша Халқ Республикасининг социалма мамлакатлари билан қилаётган ҳамкорлиги ҳақида гапириб берди.

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Е. Моравский ҳам совет меҳмонларини қабул қилди. Е. Моравский делегация аъзолари билан суҳбатда Польша Бирлашган ишчи партиясининг III съезидан кейин мамлакатда вужуда келган идеология ва маданий ҳаёт масалаларига, Польшадаги социализм қурилишида эибликларнинг қандай иштирок қилаётганлигига, ёшлар ҳаракатига ва поляк матбуотининг ишларига тўхталиб ўтди. Польша Бирлашган ишчи партиясининг раҳбар ходимлари билан совет журналистларининг бу иккала учрашуви қизгин ва самимий вазиетда ўтди.

СССР нинг Польшадаги ишлар вакили Г. А. Киселев совет матбуоти ходимлари делегациясининг Польша Халқ Республикасида бўлиши муносабати билан қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимиде Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг, Польша Халқ Республикаси Ташқи ишлар министрлиги матбуот департаментининг раҳбар ходимлари, поляк журналистлари союзининг раҳбарлари, марказий ва бошқа газеталарнинг редакторлари ва журналистлари ҳозир бўлдилар.

Делегация бошлиғи А. П. Поринаев Польша матбуоти ходимлари делегациясини Совет Иттифоқига юборишни тақлиф қилиб, совет журналистлари союзи номидан поляк журналистлари союзига тақлифнома топширди.

Совет журналистлари делегацияси аргата арталаб ватанига жўнаб кетди.

## САВОЛЛАРГА ЖАВОБ

# НАТО ва СЕАТО нима?

НАТО, СЕАТО 1949-1955 йиллар мобайнида Америка Қўшма Штатларининг ташаббуси ва раҳбарлиги остида тузилган агрессия қарбий иттифоқларининг (блокларининг) қисқартирилган номларидир.

Бу блокларнинг ичиде энг асосийси Шимолий Атлантик қарбий блокидир. НАТО инглизча сўз бўлиб, «Норс Атлантик Трити орғонидеги» дегани «Шимолий Атлантик бирлашмаси» деган маънони билдиради. Бу блокнинг асосий мақсади ўз раҳбари бўлган АҚШнинг дунёга ҳукмрон бўлишини куч билан таъминлашга қаратилган.

СЕАТО ҳам инглизча сўз бўлиб, «Саус-Ист Ийшан Трити орғонидеги», яъни шарқи-жанубий Осиёдаги қарбий блок бўлиб, НАТОнинг филиали ҳисобланади.

Шимолий Атлантик блоки АҚШ томонидан социалистик мамлакатларга қарши курашининг қуроли сифатида ўйнаб чиқилган. АҚШ ҳукмрон доиралари НАТО нинг ёрдами билан гарбда ўз ҳукмронлигини ўрнатмоқчи бўлишга уринмоқдалар. Шу мақсадда 1949 йил 4 апрелда 12 мамлакатнинг вакили Вашингтонда Шимолий Атлантик шартномасига қўл қўйдилар. Бу шартномага АҚШ, Англия, Франция, Бельгия, Дания, Исландия, Италия, Люксембург, Нидерландия, Норвегия, Португалия ва Канада қўл қўйди. 1952 йил НАТОга Туркия ва Греция, 1955 йилда эса Германия Федератив Республикаси қўшилди. НАТО армия-

**Газетхонлардан О. Тиловердиев (Тошкент), О. Эркабоев (Урта Чирчиқ), М. Нўрмонов (Мирзаўул) НАТО, СЕАТО блок нима деб сўраганлар. Биз қуйида бу ўртоқларнинг саволларига жавоб қайтардик.**

си қуроли кучларининг бosh қўмондонлиги штаби Францияга жойлашган. Ушга асосан АҚШ генераллари бошчилик қилмоқда. Шунинг учун ҳам НАТОга кирган давлатларнинг кун сайин АҚШга қарамлиги ортнб бормоқда. 10 йил ичиде бу блокнинг қарбий ҳаракатлари 500 миллион долларни ташкил этиди ва ҳозирги кунда борган сари ўсиб бормоқда.

Бу долларлар нимага сарф қилинмоқда? Биринчидан, НАТО армиясини Америка қурол-яроғлари билан таъминлашга, иккинчидан, НАТО армиясини тузишга, учинчидан, бирлашган ҳаво ва қарбий-денгиз кучларини тузишга ва уларни таёйрлашга, тўртинчидан, қарбий базалар, стратегик йўллар ва шунга ўхшаган қарбий қурилиш ишларига, бешинчидан, атом ва водород урушларини таёйрлашга сарф қилинмоқда. Бу қарбий ҳаракатларнинг ҳаммаси блокка кирган мамлакатлар меҳнатқашлари елкасига оғир юк бўлиб тушмоқда.

НАТОнинг асосий раҳбари бўлган АҚШ ҳукмрон доиралари бу блокнинг «аурагонлик позициясини» юрғизаётганлигини эъри бериб яширишга уринмоқдалар. Лекин улар бу билан блокнинг агрессия моҳиятини яширишга қанчалик уринсалар ҳам, лекин унинг ҳалққа қарши характери фож бўлмоқда.

Америка миллиардерлари бу блокка кирган мамлакатлар территорияларига ракета-ядро қурулларини жойлаштирмоқдалар ва шу мақсадда уларга «ёрдам» бермоқдалар. АҚШ авиация министрлиги ўрибосари Макинтайр ақидида сўзлаган нуқтаридан бирида Туркия ҳам яқин вақтлар ичиде баллистик ракета қурулиши олади. деди. Туркиянинг қарбий мақсадалар учун чет элда олган умумий қарни андизинда 13 миллиард лирга етди. НАТО қатнашчиси бўлган давлатлар ўн йил ичиде бир ойда ҳам тинчлик тўғрисида, ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш тўғрисида ўзларининг тақлифларини киритганлари йўқ, балки улар эъри бериб қурулларини тўғрисидагина гап юритмоқдалар.

АҚШ ҳозирги кунда янги урушини келтириб чиқариш учун эъри бериб ҳаракат қилмоқда. Улар шу мақсадда ГАРБИЙ Германия милитаризми ва реваншизмни тиклаб, НАТО нинг зарбдор кучига айлантирмоқда. Шунинг билан улар ГАРБИЙ Германия территориясини қирин қурулларини базасига айлантирмоқдалар. Ҳозирги кунда ГАРБИЙ Германия Бу эдесверги ўз сафиде 185 миғ солдат ва офицерга эга. ГАРБИЙ Германия қарбий министри Штраус НАТО армияси қўмондонлиги ихтиёрига 30 дивизия таёйрлаб беришга ваъда қилмоқда. ГАРБИЙ Германия атом базасига айлантириладиганлиги сабабли Совет ҳукумати бундай ҳола қарши жиддий эътироз билдирилди ва Германиянинг ҳар иккала қисмини тинчликпарвар асосда бирлаштириш тақлифини илгари сурмоқда.

Германия масаласини тўғри ҳал қилиш тинчликчи ва халқлар хавфсизлигини таъминламоқ учун катта аҳамиятга эгадир. Бироқ Америка, Англия, Франция давлалари ҳар қил найрағобликлар билан ҳозир ўз ишнини давом этказётган Женевга кенгашида ҳам Германия масаласини ҳал қилишни пайсалга солмоқдалар. «Эндиликда,— деди Н. С. Хрушчев КПСС XXI съезиде қилган докладида — АҚШ, Англия монополиячларнинг ҳамда агрессив Шимолий Атлантик пактида қатнашаётган бошқа давлатларнинг ёрдами билан ГАРБИЙ Германия НАТОнинг асосий атом ва ракета базасига айлантирилмоқда. ГАРБИЙ Германия бу агрессив блокда ҳозирнинг ўзидаёқ биринчи даражадаги ролин ўйнай бошмоқда».

НАТОга кирган давлатларнинг агрессия ҳаракатлари халқаро аҳолини янда кескинлаштирмоқда. НАТО қатнашчилари иштирокида Мисрага агрессия қилинди. Мисра райониде қарбий тўқнашининг жиддий хавфи вужуда келтирилди. 1958 йил эса Ироқда ироқ халқининг миллий революциясини боситрмоқчи бўлдилар. Худди шундай бир вақтларда СССР ва бошқа тинчликпарвар давлатларнинг қаттиқ туриб агрессорларни огоҳлантиришлари натижасида дунё яна мисли кўрилмаган оғир вайронгарчиликдан сақлаб қолди. НАТОнинг бундай агрессия ва босқинчиликдан иборат олиб бораётган ишлари тўғрисида яна жуда кўп мисоллар кел-

тириш мумкин. НАТО тузилгандан кейин ўтган 10 йил вақт ичиде, бу агрессив блокнинг ташкилотчилари бўлган Америка ҳукмрон доиралари ўтказиб келётган йўл қалқаро кескинликнинг асосий мабнага айланганлигини очиб кўрсатди. Инглиз фельдмаршал Монтмерери азалдан бери янги уруш тарафдорлари билан экин оқлигини беш яхши йиллачи. Лекин у ҳам НАТО нинг 10 йиллик фаолиятини ажулаб, Англиядаги «Сандей таймс» газетасида ёзган мақоласида бу блок стратегиясининг ҳаётий эмаслигини эътироф қилишга мажбур бўлди.



„Коммунистик жамиятда яшашга пайёرمىсиз?“

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг студентлари ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар бирмунча намунали бўлган...

Ҳақиқатда педагогика факультетининг студентлари «Коммунистик жамиятда яшашга пайёرمىсиз?» темасида очмиш мунозара ўтказди...

М. МАРАИМОВ.

Ҳам дам оладилар, ҳам меҳнат қиладилар

Янгийўл районидagi Ленин номи колхозда пионер лагерини очди. Инчаким қилганининг соғ-саломатлиги...

Бунидан ташқари, ўқувчилар смена охиригача Чирчиқ дарёсига, колхоз чорвачилик фермасига экскурсияга борадилар...

Бошқоқ правлениеси уч сменалик бу лагерни зарур нарсалар билан тўқиб турибди...

Р. АЗИМОВ.

СОАТ-КАЛЕНДАРЬ

Шу кунларда Тошкент вокзалининг перронида бўлган киши аниқ бир соатни кўради...

Темир йўлининг солиқ инжненири, ҳозирда эса пенсионер ўртоқ Николай Алексеевич Мионов конструкциячилган...

Денгизда телевизор

Денгизчилар Ватан қирғоқларидан узоқда сузиб юрган пароход палубасига тушиб, телевизор экранида концерт ёки спектаклни ҳамма билан барабар тамоша қилиши ақиндаги...

Узоқ Шарқдаги савдо флотига қарашли дизель-электрорходларнинг бирига ҳам антенна билан телевизор монтаж қилинди...



Она ва бола. Бир гули-лола.

Н. Гильдин фотозюди.

Чиланзор массивида уй-жой бинолари қурилиши тобора кенгаймоқда. Бу ерда қурилиш ишлари бошлангандан буён ўйларча янги кўчалар, кварталлар вужудга келди...

Уй-жой бинолари қад кўтарди. Массив республикада пойтахтининг энг гузал жойларидан бирига айланмоқда. Суратда: қурилиш участкаларининг бирида.

А. Палехов фотоси.



Жонга тегди бу пашшалар...

Тўшда овқатланиш учун «Тошкент» ресторанининг кафе-барига бордик. Эшикка рўпара бўзимиз билан бир тўда хира пашша...

Ичкари кирдик. Залда хўрандалар бир қўл билан пашша қўриб, бир қўл билан овқатланиб ўтиришибди...

— Иштаҳаларим бўғилиб кетди бу қирилгулар дастилан, — деди яна бир аёл.

— Йўқ, ахир уйим билан бу ер тенгми, деди зал мудури Виноградова. Қўл билан овқатланиб ўтиришибди...

— Ҳеч бўлмаса, хўрандалар овқатланиб бўлишгунча бир чеккада турсаларинг бўлмайми? Беадаб, юқлар! Дераза оймасига, пардаларига, бўш столларга қўйинглар.

— Энди «майшатпараст пашшалар»ни семутириб қўйган ошхона ва кафе раҳбарлари, қолаберса шаҳар санитария инспекцияси ходимларига гойибона бир жуфт куллуге.

Н. НАСИМОВ, С. РАҲИМОВ.

Бағритош

Абдулазиз Пулатовни бир кўрган киши, ҳўп мулоким йигит экан, дейди. Унинг ҳамтовоқлари кўпчилиги кўриб, биз ҳам, ахирининг йўлдоши кўриб, отасига раҳмат, деб эдик.

— Номад йигит! — деди у аччиғидан қизариб. Биз ҳайрон бўлиб: — Нега ундай дейсиз? — деб сўрадик.

— Не-не умидлар билан бир ёстиққа бош қўйган хотинини, кўчордай икки ўғлини ташлаб кетган одам номард бўлмай мард бўлсинми! — баттар тўтқиди сўхбатдошимиз.

Биз Абдулазиз Пулатовни илгарти яхши билмас эканмиз. У, хотини Махфура Пулатовани 1954 йилда 2 боласи билан қоқ қуруқ уйда қолдириб, дом-ларакис кетган экан.

Н. НАСИМОВ, С. РАҲИМОВ.

Қадрли „Уртўқмоқ“

Ушбу хатини сен орқали Соғлиқни сақлаш министрлиги раҳбарларига йўлламоқчиман. Зероки, арзим тингиланиб, мен назарда тутган хунду ахвол тезроқ бартараф қилинса...

«Тез ёрдам» машинаси масаласи мен яшаб турган Октябрь районидagina эмас, балки бутун шаҳарда ҳам яхши йўлга қўйилган эмас. Мен касалхонада кўп беморлар билан сўхбатлашдим.

Р. АМИНОВА.

Аёллар шовқин кўтарди

Кечаси соат бирлар чамаси эди. Хизматдан қайтиб Сағбон кўчаси бўйлаб бормоқдам. Атроф сокин, ҳаво соф, мусаллоҳ, кўчала чироқлар порлайди.

— Чеклагани нима? — деб сўрадим. — Ахлат! — жаҳл билан деди у.

— Кечаси бизда уйку йўқ, 1,5 — 2 километрга ахлат ташийибериб, жонимизга тегди.

— Ташмай қўйқолинглар! — Гапнингизни қаранг-у!

И. БОҚИЕВ.

Ўз-ўзига хизмат қилувчи китоб магазинида

10-трамвайнинг Лабаак оловкасида туриб, Известия оловкаси томон сал юрсангиз, кўп қаватли биноларга дуч келасиз. Уларнинг бирига жойлашган китоб магазини эътиборингизни жалб қилади.

Магазин атрофида Электро техника алоқа институтининг, Ўрта Осен политехника институтининг механика факультетининг қишлоқ хўжалик техника институтининг йиллик мактаби ва бошқа муассасалар жойлашган.

З. ОРИПОВ.

Мактабда виставка

Тошкентдаги Мичурин номи 112-ўрта мактабда КПСХ XXI съезди томонидан белгиланган етти йиллик план вазифаларига бағишланган, виставка ташкил қилинди.

лам мақсулот турлари бўйича диаграммаларда кўрсатилган. Шунингдек республикада сановати ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан қилинадиган ишларнинг рақамлар билан аке эътирилан.

С. ЯХИМ.

Агитмашина пахтакорлар хизматида

Янгийўл район партия комитетининг агитация ва пропаганда бўлими маданият бўлими билан биргаликда агитмашина ташкил қилди. Агитмашина лектор, кўчма кутубхона, киноустанова ва бадий хаваскорлар билан таъминланган.

концерт кўрсатдилар. Лектор ўртоқ Марданбоев эса етти йиллик планнинг тарихий аҳамияти ҳақида лекция ўқиди.

А. ЖАЛОЛОВ.

Телевизор экранида

- 7 июнда 12.00. Хўжнатли фильм ва Фрунзе район болалар музика мантиби ўқувчиларининг чиқиши. 19.00. Рус тилида «Бир рақам ҳақида ҳикоят» деган эшиттириш. 19.15. Адабий эшиттириш. 19.25. Сўнгги ахборот. 19.40. Бадий фильм — «Сихрли тун».

- 20.00. Ермолова номи театрининг «Пушкин» спектаклидан парчалар. 21.20. Ўзбек тилида адабий-драматик эшиттириш. Уйғур номидаги область театри артистлари микросида Босит Халиловнинг «Совчилар» номидаги. 21.55. Эстрада концерти.

Редактор З. ЕСЕНБОВЕВ.

ТОШКЕНТНИНГ ТАКТИКА ЗАМОНАДА

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — ётти бинода: 7/VI да Гаг дарёсининг қизи, 9/VI да Янги ер, қишлоқ бинода: 7/VI да Макр ва муҳаббат. НАВОНИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/VI да кундуз Демон, кечқурун Зайнаб ва Омон, 8/VI кеч соат 9 да Ўзбекистон санъат усталари концерти.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА 7 июнда 70 кишидан иборат ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ концертлари

Муқимий номи театрида (ётти бино) — 7/VI да Рашид ва Зулхумор, 8/VI да Олтин қўл. «РОДИНА» — кундуз ва кечқурун Валя. «ВАТАН» — кеч соат 9-20 мунутда Ханка, кеч 10-50 мунутда Валя. «ОКТАБРЬ» — Тугалламанган қисса. «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «ФЕСТИВАЛЬ» — Тенгдошлар. КАФАНОВ номи. «ХИВА» — Онласиз. «ЕШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 да Шоирнинг ёшлиги, кеч 6 гача Онласиз, кеч 8 ва 10 да Валя. «САДЮТ» — Булуғли тоғ (3-серия).

Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Мехри Абдуллаева, Дилором Шерова, Учқун Гафуров, VI Жаҳон фестивали лауреати Акбар Муинилов, солистлардан Холмас Қодирова, Лафот Аҳмедова, Тўхта Йўлдошева, Тўстемир Шарипов, Болта Шарипов, Рихис Баширов ва бошқалар қатнашади. Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.